

ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ

Амиров Темур Машраб ўғли

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти асиссентми

**Abstract:** *In this article, it is envisaged to develop problems, discussions and conclusions regarding the study of the sources and methods of development of financing of investment activities in our national economy according to their specific characteristics.*

**Key words:** *investment, investor, investment activities, financing, investment projects, sources of financing, stock markets, real investments, financial investments.*

**Аннотатсия:** *Ушбу мақолада миллий иқтисодиётимизда инвеститсия фаолиятини молиялаштиришни ривожлантириш манбалари ва усулларини ўзига хос хусусиятларига кўра ўрганишга оид муаммолар, мунозаралар ва хулосалар ишлаб чиқиш кўзда тутилган.*

**Калит сўзлар:** *инвеститсия, инвестор, инвеститсия фаолияти, молиялаштириш, инвеститсия лойиҳалари, молиялаштириш манбалари, фонд бозори, реал инвеститсиялар, молиявий қўйилмалар.*

Инвестиция фаолиятини молиялаштириш деганда, ажратилган маблағларни маълум бир инвестиция лойиҳасининг эҳтиёжлари учун фойдаланишнинг аниқ мақсадли моҳияти тушунилади. Фаолиятини молиялаштириш асосан молиявий активларга эмас, балки реал активларга инвестицияларни жалб қилувчи инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун ишлатилади.

Хусусан, янги турдаги маҳсулотлар ва янги технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва ўзлаштиришга йўналтирилган инновацион фаолиятини молиялаштиришнинг энг муҳим усули бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатда йирик инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш, замонавий юқори технологияли ишлаб чиқариш объектларини барпо этиш мақсадида иқтисодиётни жадал ривожлантириш, чет эл инвестицияларини фаол жалб қилиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, мазкур соҳадаги фаолиятнинг самарадорлигига, энг аввало, мавжуд ресурслардан ноқилона фойдаланиш, инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги ва рентабеллиги юзаки ўрганилганлиги билан боғлиқ қатор камчиликлар салбий таъсир кўрсатмоқда.

Турли иқтисодий адабиётларда “инвестиция фаолияти” тушунчаси мазмунмоҳиятига турлича таърифлар берилган. Уларни чуқур ва кенг тадқиқ этиб ўтган ҳолда, инвестиция фаолияти мазмунига берилган қуйидаги таърифларга алоҳида тўхталиб ўтишни лозим.

Иқтисодчи олим Нешитойнинг фикрича, “Инвестицион фаолият – бу даромад олиш ва фойдали самарага эришиш мақсадида маблағларни жойлаштириш (инвестициялаш) ва амалий ҳаракатларни амалга ошириш йиғиндисидир” деб таъриф берган [1].

Л.Л.Игониша шунингдек, инвестиция фаолиятини тор мазмунда ҳам тушуниш мумкинлигини айтиб ўтади. Унга кўра: “инвестиция фаолияти ёки бошқача қилиб айтганда хусусий инвестиция фаолияти (инвестициялаш) ўзини инвестиция ресурсларининг қўйилмаларга айланиши жараёни сифатида намоён этади” деб тушунтиради [2].

Республикамиздаги маҳаллий ва хорижий инвестиция ресурсларини чуқур қайта ишлайдиган ва юқори қўшимча қийматга эга рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган юқори технологияли ва маҳаллийлаштириладиган замонавий корхоналарни ташкил қилиш учун маҳаллий ва хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш, эркин иқтисодий ҳудудларнинг муайян соҳага ихтисослашувини қўллабқувватлаш ва уларда инвестиция фаолиятини молиялаштиришни ривожлантиришга замин яратади. Ўзбекистонда иқтисодий ўсишни таъминлашнинг асосий омили инвестициялар бўлиб, Республика ҳудудларига киритилган инвестициялар таҳлили қилинган.

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш манбалари ва усулларини ривожлантиришда қуйидаги таклиф-тавсиялардан фойдаланиш молиялаштириш сифатини таъминлаш ва уларнинг муваффақиятли амалга оширилишида муҳим аҳамият касб этади:

Ҳудудларда янги ташкил этилаётган корхоналарга ер ажратишда суғориладиган ерлар танланганда ҳисобланадиган нобудгарчилик суммаси бир марта тўланиши ўрнига ташкил этилаётган корхона уставига маҳаллий ҳокимият улуши сифатида мутаносиб шакллантиришнинг қонуний мезонларни ишлаб чиқиш. Бунда давлат хусусий шерикчилиги тўғрисидаги қонунда кўрсатилган 51% давлат улуши ташкил этилаётган тадбиркорлиги субъекти билан музокаралар орқали киритиладиган инвестиция суммасига мутаносиб шакллантириш механизмини ишлаб чиқиш.

Хориждан харид қилинган технологияларни олиб келишдаги транспорт-логистика хизматларининг қимматлиги, рақобатбардош эмаслиги, ҳаво транспортида юк ва йўловчи ташишда – жаҳон бозорида ёқилғи-энергетика ресурслари қийматининг тушиб бораётган ҳозирги шароитида транспорт-логистика хизматлари компанияларининг монополиясига чек қўйиш ҳамда улар ўртасида рақобатни юзага келтириш мақсадга мувофиқдир.

Инвестиция инфратузилмасининг етарлича ривожланмаганлиги – банкларнинг 5-7% ставкасини сақлаган ҳолда фақат йирик лойиҳаларга эмас, ўрта, кичик бизнес ва истемол кредитлари портфелларини шакллантириш лозим. Шунингдек инвестиция фондлари, суғурта ва лизинг компаниялари фаолиятини ҳам рағбатлантириш ва инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда уларнинг иштирокини самарали йўлга қўйиш.

Ислом молия инструментлари меъёрларига мувофиқ экспорт-импортни, лойиҳавий ва синдикатлашган молиялаштиришда, қимматли қоғозларни чиқаришда исломий банк актив амалиётларини йўлга қўйиш ҳамда тадбиркорларга ислом молияси инструментлари ҳақида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш зарур.

Юқорида кўриб ўтилган вазифаларни имкон қадар тезроқ ва самарали ўз ечимини топиши, нафақат, инвестиция фаолиятини молиялаштириш манбалари қийматини баҳолашда, балки давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ҳолатини ва аҳолининг фаровон ҳаёт тарзини янада яхшилашга хизмат қилади.

### **Адабиётлар рўйхати**

1. Нешиной С.А. Инвестиции. Учебник. –М.: Дашков и К, 2017. – С. 15.
2. Игонина Л.Л. Инвестиции. Уч.пос.– М.: Экономист, 2015. – С. 25.
3. Xiaolan Fu, 'Foreign Direct Investment, Absorptive Capacity and Regional Innovation Capabilities: Evidence from China', Abstract, Department of International Development University of Oxford October 2017.
4. Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш муаммолари - Т.:2012. и.ф.д. дисс. автореф. 11-14 б.